

ШАРТНОМА

11/22-сонли шартнома

Тошкент шаҳар

2022 йил “10” ноябр

OMAD SIFAT-AKTIV маъсулияти чекланган жамияти номидан низом асосида иш юритувчи директор Бовақулов А.А. бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда, Тошкент шаҳар Молия Иқтисодиёти номидан устав асосида иш юритувчи ректор Ш. Шамшадиев, иккинчи томонда (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) қуйидагилар хақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома 1-иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ алюмин конструкцияларини ишлаб чиқариш ва ўрнатиш хизмат мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу Шартнома 1-иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ қабул қилиш ва хақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг хуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш;
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг хуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддатда, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчининг шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 288 999 000 (икки юз саксон саккиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг) сўм, ҚҚС сиз.

3.2. Буюртмачи Бажарувчи билан ҳисоб-китобни қуйидаги тартибда амалга оширади:

- Мазкур Шартнома томонлар имзолагандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қошидаги Ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг Буюртмачи 30% миқдордаги олдиндан тўловни Бажарувчи ҳисоб рақамига 10 (ўн) банк кунида ўтказди. Қолган 70% миқдордаги тўловни ҳисоб-фактура ва бажарилган хизматлар далолатномаси тақдим этилгандан сўнг 10 (ўн) банк кунидан ичида амалга ошириш мажбуриятини олади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қоун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини тامينлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисоб-фактура ва бажарилган хизматлар далолатномаси тузилган кун деб ҳисобланади. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хизматларни бажарилиши кечиктирилган ёки бажарилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томон шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдоридан, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан хал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан хал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар Иқтисодий судида хал қилинади.

VII. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришга бевосита таъсир қилса, тегишл мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига қўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб олмайди.

7.3. Фавқулотда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулотда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида қўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Ҳазначиликдан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

9.2. Ушбу шартномага киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллар томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

9.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

9.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб амал қилади..

IX. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

БАЖАРУВЧИ OMAD SIFAT-AKTIV

масъулияти чекланган жамияти

Тошкент вилояти, Янгийул шаҳри,
Самарқанд кучаси 280 уй
х/р: 2020 8000 0054 7258 4001
АТБ "ХАЛК БАНК" Янгийул филиал
МФО: 00 777 ОКЭД: 47 190
ИНН: 309 143 163
Тел.:(998 90) 018-91-99

Рахбар



Бовақуов А.А.

БУЮРТМАЧИ

Х/р:	ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ г. Ташкент, ул.А.Темура 60-"А" Тел: 234-11-48
Ш/р:	Л/сч: 400910860262667094100079001 ИНН: 201221691 ОКЭД: 35420 ОКОНХ: 92110
Банк реквизитлари:	Квизитлари: Министерства финансов Рuz. Р/сч: 23402000300100001010 РКЦ упр. ЦБ Рuz г. Ташкент
МФО:	ИНН: 201122919 МФО: 00014
ИНН:	
ОКЭД:	

Рахбар



Handwritten signature of the buyer.

СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

Т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Ўл. бир.	Сони	Нархи (сўм)	Умумий нархи
1	<p>Изготовление и установке алюминиевых конструкции -Ректорат 3 этаж алюминиевый конструкция цвет на усмотрение заказчика размеры 551x262 см, дверь 160x210, зеркало толщина 10мм калённый, размер зеркал 190x260, 190x260, механизм двери качественный анжели, ручка двери анжели. Алюминиевый конструкция устанавливается в разных размерах цвет белый размеры 281x75x136, 309x281x39x136x135, зеркало толщина 10мм калённый. Конструкция отдельные. 4 этаж алюминиевый конструкция цвет на усмотрение заказчика размеры 552x260см, дверь 160x210, зеркало толщина 10мм калённый, размер зеркал 190x260, 190x260, механизм двери качественный анжели, ручка двери анжели, алюминиевый конструкция устанавливается в разных размерах цвет белый размеры 275x73x124, 311x275x38x124x135, зеркало толщина 10мм калённый. Конструкция отдельные. Монтаж демонтаж отопленных батарей и пола. Здания Е комната для сервера алюминиевый конструкция цвет на усмотрение заказчика размеры 352x258 см, устанавливается в разных размерах, ламбрин 75, дверь 80x200, зеркало двойной стеклопакет, ручка двери качественный. Новой здания комната сервера алюминиевый конструкция цвет белый размеры 281x255, 281 x3 10, ламбрин, дверь 70x200, зеркало двойной стеклопакет, ручка двери качественный, форточки на усмотрение заказчика. Комната для сервера алюминиевый конструкция цвет белый размеры 294x255, 294x250, ламбрин, дверь 70x200, зеркало двойной стеклопакет, ручка двери качественный, форточки на усмотрение заказчика. Здания подвала алюминиевый конструкция цвет на усмотрение заказчика, устанавливается в разных размерах, размеры 540x260, 240x260, дверь 80x200, 540x260, 550x260, дверь 80x200, 620x260, 400x260, дверь 80x200, 600x260, дверь 80x200, зеркало толщина 10мм калённые матовые, ручка двери качественный, форточки на усмотрение заказчика. Монтаж демонтаж кабеля, кафельный пола, стойки и вентиляционный</p>	хизмат	1	288 999 000	288 999 000

шахты. Наружный дверь алюминиевые конструкции размер 200x200, цвет на усмотрение заказчика, зеркало толщина 10мм матовый, демонтаж алюминиевые конструкции и стены.

Жами

288 999 000

БАЖАРУВЧИ
OMAD SHAT-AKTIV MCHJ

Рахбар Бовакулов А.А.



БУЮРТМАЧИ

Рахбар _____

